

ХАБАРЛАР

Оятуллоҳ Али Хоманай билан видолашув маросими 4 июл куни бошланиши кутилмоқда

дақиқа аввал



Эрон расмийлари маълум қилишича, 28 февраль куни Техронда АҚШ ва Исроил зарбаси оқибатида ҳалок бўлган олий раҳбар Оятуллоҳ Али Хоманай билан видолашув маросими жума куни Техронда бошланади.

Маросимда хориж давлат раҳбарлари, расмийлар ва диний арбоблар иштирок этиб, марҳум раҳбар хотирасига эҳтиром бажо келтиради.

Эрон ички ишлар вазири ўринбосари ҳамда дафн маросимларини ташкил этиш штаби раҳбари Али Акбар Пуржамшидиённинг маълум қилишича, бир қатор видолашув маросими ва дафн юришлари ўтказилади.

Эрон давлат оммавий ахборот воситалари хабар беришича, Оятуллоҳ Али Хоманайни дафн этиш маросимлари 4 июль куни Техронда бошланиб, 9 июль куни унинг туғилган шаҳри — мамлакат шимоли-шарқидаги муқаддас Машҳад шаҳрида якунланади.

Давлат оммавий ахборот воситаларига кўра, 7 июль куни Техрон жанубидаги муқаддас Кум шаҳрида ҳам алоҳида маросимлар ўтказилади.

Хоманай урушнинг биринчи кундаги ҳаво ҳужуми оқибатида ҳалок бўлган. Хоманай даврида Эрон АҚШга қарши қудратли кучга айланди. Шу билан бирга, мамлакат ичидаги норозилик чиқишлари қатъий чоралар билан бостириб келинди.

Хоманай раҳбарлик қилган йиллар давомида АҚШнинг қатъий танқидчиси бўлиб қолди. Шу билан бир вақтда, кетма-кет келган Америка маъмуриятлари Эрон ядро дастури бўйича баҳсга ечим топишга уринди, аммо бу саъй-ҳаракатлар натижа бермади.

Ҳаво зарбасида рафиқасидан ҳам айрилган ва ўзи ҳам жароҳат олган 56 ёшли Мужтабо Хоманай отасидан кейин Эроннинг олий раҳбари лавозимини эгаллади. Ҳозирча унинг соғлиги ёмонлиги айтилмоқда, шунингдек отасининг дафн маросимида қатнашиш-қатнашмаслиги ҳақида ҳам аниқ маълумот берилмади.

Покистон 2 июль куни Эрон ва АҚШ ўртасидаги англашув меморандумини амалга ошириш борасида ижобий натижаларга эришилганини маълум қилди.

Покистон баёнотида айтилишича, томонлар яқин вақт ичида музокараларни давом эттиришга келишиб олган. Навбатдаги учрашув Али Хоманайнинг дафн маросимидан кейин имкони борича тезроқ ташкил этилади.